# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 29 ноябрь, № 246 (7204) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## МУДОФАА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР



**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Чирчиқ дала ўқув майдонида юқори даражадаги жанговар шайликка келтирилган бўлинмаларнинг махсус-тактик машқларини кузатди.**

Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, миллий армиямиз жанговар шайлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталар экан, олдинда турган муҳим вазифаларни ҳам санаб ўтган эди.

Жумладан, қўшинлар исталган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарликнинг янги тизими бўйича мунтазам шуғулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт экани таъкидланган эди.

Берилган топшириқлар асосида жанговар тайёргарлик учун мунтазам шуғулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касб малакасини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажаришига эришиш учун кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Жанговар тайёргарлик дастурлари қайта кўриб чиқилди, бунда, аввало, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлишига эътибор қаратилди. Қўшинларни энг замонавий турдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш чоралари кўрилди. Буларнинг барчаси бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бир вақтда, эҳтимолий таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлигини текшириш учун жорий йил 26 ноябрь эрта тонгда қўшинлар "Тревога!" сигнали билан юқори жанговар шайлик ҳолатига келтирилди.

Тўсатдан текширувнинг асосий мақсади — жорий йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ва бошқарув органларида амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Ҳозирга қадар Ўзбекистон армиясида бу каби текширув ўтказилмаган.

Сигналдан сўнг Мудофаа вазирлиги марказий аппарати, барча ҳарбий округ ва бўлинмаларда зарур ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳарбий полигонларда бир нечта махсус-тактик машғулотлар ўтказиш учун қўшинлар колонна бўлиб чиқиб кетди.

Бунда асосий эътибор қўшинларни барқарор ва узлуксиз бошқаришни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилди. Текширувнинг барча босқичларида хавфсизлик қоидаларига, ҳарбий техника ва қуролларнинг созлигига қатъий риоя қилиняпти. Тўсатдан текширув давомида махсус тузилган идоралараро ишчи комиссия қўшинлар ҳаракатини назорат қилиб, таҳлил этиб бормоқда.

Юқори даражадаги жанговар шайликка келтирилган бўлинмаларнинг эҳтимолий хавфни қайтаришга доир махсус-тактик машқлари Чирчиқ дала ўқув майдонида ҳам ўтказилди.

Машғулотлар шартига кўра, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари, ўта муҳим объектлар, аҳолининг оммавий йиғилиш жойларида қўпорувчилик актлари содир этиш ҳамда шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида оммавий тартиббузарликлар келтириб чиқаришни мақсад қилган, давлат чегарасига яқин ҳаракатланаётган шартли душманни аниқлаш ва яксон қилиш машқларида ҳаво-десантчилари, артиллеристлар, мотоўқчилар, танкчилар, махсус операция кучлари ҳамда Ҳарбий-ҳаво кучлари бўлинмалари қатнашди.

Шартли душман базаларига ва у жойлашган ҳудудларга Ҳарбий-ҳаво кучлари таркибидаги МиГ-29 ва Су-25 қирувчи самолётлари, Ми-24 вертолётларидан зарбалар берилди. Чалғитувчи ҳаракатларни амалга оширган ҳолда, давлат чегарасини ёриб ўтишга фаол киришган шартли ноқонуний тўдаларни артиллерия дивизиони ёрдамида яксон этишга қарор қилинди.

Шундан кейин жанг майдонида танкчилар бўлинмаси пайдо бўлди. Улар танк биатлонида қўлланиладиган "Сувли тўсиқ", "Эскарп" ва "Тирсакли кўприк"дан моҳирона ўтиб, белгиланган маррани эгаллаб, "Танк карусели" жанг усулини қўллади.

Мудофаа операцияси давомида шартли оғир яраланган ҳарбий хизматчиларни жанг майдонидан олиб чиқиш, вертолётда эвакуация қилиш жараёни намойиш этилди.

Энг замонавий турдаги жанговар вертолётлар шахсий таркибни белгиланган ҳудудга десант усулида етказди. Парашют-десант батальони марралар оралиғидан суқилиб кирган шартли душманни умумқўшин захира куч ва воситалари билан яксон қилиш вазифасини муваффақиятли бажарди.

Махсус-тактик машғулотлар ҳарбийларимизнинг юксак профессионал маҳоратини, юқори жанговар шайлигини, бир тану бир жон бўлиб ҳаракатланишини намоён этди.

Машғулотларни ҳарбий-маъмурий секторлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам кузатиб борди.

Президентимиз полигон ёнидаги ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, қурол-аслаҳа ва техникани кўздан кечирди. Мудофаа тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан мақсад мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлигини таъминлаш эканини таъкидлади.

Профессионаллиги билан алоҳида намуна кўрсатган полковник Қодир Турсуновга автомашина, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга планшетлар совға қилинди. Шу ерда ҳарбий-маъмурий секторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Шу куни Қуролли Кучлар Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча масалалар қатори ҳарбий қурилиш соҳасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хавфсизлик кенгашининг жорий йил 10 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган йўналишлар ҳаётга татбиқ этилди. Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган 46 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ўтган қисқа вақтда ҳарбий қисмларнинг тузилмалари тўлиқ янгиланди. Самарасиз ва бир-бирини такрорлайдиган ҳарбий қисмлар қисқартирилди. Натижада қўшинларни сақлаб туришга кетадиган харажатлар камайди. Озиқ-овқат билан таъминлашда аутсорсинг тизими жорий этилди. Бу ҳарбий бўлинмалар жанговар тайёргарлигини ошириш, вақт кўрсаткичларини икки баробар қисқартириш имконини берди.

Мамлакатимиз армияси қуролли кучлар қудрати бўйича дунё рейтингида бир йилда 9 поғонага кўтарилгани, Буюк Британияда ўтказилган нуфузли "Кембрия патрули" танловида ҳарбийларимиз 90 мамлакатдан иштирок этган 123 жамоа орасида биринчи ўринни эгаллагани бу борадаги ишлар тўғрилигини яққол исботлайди.

Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди ва улар самарали фаолият юритмоқда. Биринчи марта давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида йиғинлар ўтказилди.

Соҳага ихтисослаштирилган корхоналарни бирлаштирадиган Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга қадар ҳарбий хизматчиларга 56 та уй топширилди. 1 минг 500 дан зиёд ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди. Яна 74 та уй қурилиши давом этмоқда.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантириш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг шонли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан ғурурланиши лозимлигини таъкидлади.

— Мана, Амир Темур бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин, холисона айтайлик, улуғ Соҳибқироннинг "Тузуклари"ни қанча аскар ўқиган, — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев. — Ёки буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳолонки, бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги кўплаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишади.

Давлатимиз раҳбари аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилишдан олдин, албатта, Ўзбекистон тарихи ва "Темур тузуклари" фанидан синов топшириши кераклигини қайд этди. Илғор ҳарбий қисмларга улуғ саркардаларимизнинг номини бериш, моҳир лашкарбоши боболаримиз ҳақида илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар, кинолар яратишга кўрсатма берди.

Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳарбий таълим масаласига биринчи даражали эътибор қаратиш, мактаблардаги ҳарбий тайёргарлик дарсларига шу ҳудудда хизмат қилаётган, юксак инсоний ва касбий хусусиятларга эга жанговар офицерларни жалб этиш, ўқувчиларни ҳарбий қисмларга олиб бориш ва хизмат жараёнлари билан яқиндан таништириш бўйича топшириқлар берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш, шу жумладан, ҳаво кемалари паркини янгилаш, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, аэропортлар инфратузилмасини, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жаҳон авиаташувлари бозорида мамлакатимиз фуқаро авиациясининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ушбу соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш учун мамлакатимизнинг фуқаро авиациясида таркибий ислоҳотларни амалга оширишни давом эттиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, ўзида ҳам давлат томонидан тартибга солиш функцияларини, ҳам тижорат фаолиятига оид функцияларни мужассамлаштирган бошқарувнинг эскирган ва ёпиқ тизими тармоқ корхоналарида менежментнинг замонавий тизимини жорий этиш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш имконини бермаяпти.

Фуқаро авиаташувларининг, шу жумладан, ер устидаги инфратузилмадан фойдаланишнинг ҳаддан ташқари монополлаштирилганлиги ушбу соҳада хизматлар кўрсатишнинг жаҳон даражасидан анча ортда қолиб кетишига, шунингдек, мамлакатдаги айрим аэропортларнинг норентабеллигига сабаб бўлди.

Фуқаро авиацияси соҳасидаги бошқарувнинг замонавий шакллари ва усулларини жадал жорий этиш, тармоқдаги корхоналарни жаҳон тенденциялари ва стандартларига мувофиқ қайта тузиш, авиаташувлар бозорида рақобатни ривожлантириш ва тармоққа инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг **"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясини** (кейинги ўринларда — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК) **қайта ташкил этиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин. Бу:

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг, шунингдек, "Учиш мажмуаси", "Ҳаво алоқалари бош агентлиги" ва "Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси" давлат унитар корхоналарининг негизида **"Uzbekistan Airways" акциядорлик жамиятини** (кейинги ўринларда — "Uzbekistan Airways" АЖ) **ташкил этиш;**

**(Давоми 2-бетда).**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш тизими яратилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Айни пайтда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжуд. Жумладан:

**биринчидан**, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмаган;

**иккинчидан**, ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш ва маданий хизматлар сифатини кескин ошириш имконини бермаяпти;

**учинчидан**, аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базаси замон талаблари ва халқаро стандартларга мос келмайди, бу эса уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун имкон бермаяпти;

**тўртинчидан**, замонавий медиа маконда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилишга йўл бермаяпти;

**(Давоми 2 ва 3-бетларда).**

---

БМТ шафелигида Траст фонди:

## Орол денгизи инқирозини бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиради

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. БМТ шафелигида ташкил қилинган мазкур фонд асосий эътиборини молиявий ресурсларни сафарбар қилиш орқали Орол фожиасининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратади.*

**Ташаббус**

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, олий даражадаги тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, тузилмага аъзо давлатлар, БМТ махсус ваколатхоналари, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, АҚШнинг етакчи компаниялари, банк ва молия институтлари, халқаро нодавлат экологик жамиятлари, илмий ҳамда таълим доиралари вакиллари қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Жўқорғи Кенгеси мутасаддиларидан иборат Ўзбекистон делегациясига Бош вазир ўринбосари С. Холмуродов раҳбарлик қилди.

→3

---

## Кун иқтибоси:

— Мен Ўзбекистон Президентининг Траст фондини ташкил қилишдаги ташаббусини юқори баҳолайман ва донорларни фонд фаолиятини молиялаштиришда фаол иштирок этишга чақираман. Ишончим комилки, Оролбўйи ҳудудида Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларни илгари суриш маҳаллий аҳолига некбинлик улашиб, муносиб турмуш шароитларини тиклашга ёрдам беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фонд олдига қўйган мақсадларни тўла рўёбга чиқаришда кенг жамоатчиликни жалб қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади.



**Антониу ГУТЕРРИШ,**
БМТ Бош котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК таркибига кирадиган **давлат унитар корхоналарини** 1-иловага мувофиқ масъулияти чекланган жамиятларга **айлантириш**;

**"Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятини** (кейинги ўринларда — "Uzbekistan Airports" АЖ) 2-иловага мувофиқ унга хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини ўтказиш йўли билан **ташкил этиш**;

"Махсус авиация ишлари авиакомпанияси" ДУК негизида **"Uzbekistan Helicopters" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш**;

**"Ўзаэронавигация" маркази" давлат корхонасини** (кейинги ўринларда — "Ўзаэронавигация" ДК) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрига **ўтказиш** орқали амалга оширилади.

2. Қуйидагилар:

а) **"Uzbekistan Airways" АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

шу жумладан, парвозларнинг янги йўналишларини ўзлаштирган ва географиясини кенгайтирган ҳолда ҳаво кемалари паркидан самарали фойдаланиш;

ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг замонавий тизимлари ва технологияларини жорий этиш, шунингдек, авиапаркни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш ва янгилаш;

ҳаво кемалари бортида йўловчиларга кўрсатиладиган сервис хизматлари, шу жумладан, хорижий авиакомпанияларнинг авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари сифатини ошириш;

компаниянинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида йўловчилар, юклар, почта ва багаж ташиш соҳасида мослашувчан тариф сиёсатини олиб бориш;

энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шу жумладан, акциялар ва корпоратив облигациялар чиқариш орқали жалб қилиш;

парвозларни амалга оширишда юқори даражадаги хавфсизликни, шунингдек, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш;

авиакомпанияни халқаро авиаташувчилар ҳамжамиятига интеграциялаш, авиаташувлар соҳасида минтақавий етакчи даражасига эришиш.

б) **"Uzbekistan Airports" АЖнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

аэропортларни узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аэропортлар инфратузилмасини такомиллаштириш учун, шу жумладан, аэропортларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва етакчи халқаро компаниялар билан ҳамкорлик қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда инвестициялар жалб қилиш;

авиаташувчилар йўловчиларига аэропортларда юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш, улар учун зарур барча қулай шарт-шароитларни яратиш;

аэропортлар тегишли хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш, йўловчилар, юклар, почта ва багажга хизмат кўрсатиш жараёнини мақбуллаштириш;

аэродромларни парвозларга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, парвозларнинг мунтазамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, аэродромларни сақлаш ва таъмирлашнинг замонавий усулларини жорий этиш;

ҳаво кемаларига ёқилғи қуйиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган ёқилғи ва бошқа ёқилғи-мойлаш материалларини узлуксиз таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифатини қатъий назорат қилиш;

логистика соҳасида сифатли хизмат кўрсатиш учун инфратузилмани такомиллаштириш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

аэропортларда савдо, овқатланиш, йўловчиларга банк ва бошқа хизматлар кўрсатувчи замонавий объектлар тармоғини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтириш.

3. "Uzbekistan Airways" АЖ Жаҳон банки гуруҳини ва бошқа халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда, **активларнинг авиакомпания рентабеллигини таъминловчи мақбул тузилмасини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятининг барқарор бизнес-модели ишлаб чиқилишини** таъминласин.

4. Белгилансинки:

"Uzbekistan Airways" АЖ шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг, "Учиш мажмуаси", "Ҳаво алоқалари бош агентлиги" ва "Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси" давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича тегишли равишда қайта тузиладиган давлат корхоналарининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

"Ўзаэронавигация" ДК шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг аэронавигация масалалари қисмида ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

"Uzbekistan Airways" АЖ устав капитали қайта тузиладиган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг, "Учиш мажмуаси", "Ҳаво алоқалари бош агентлиги" ва "Ўзавиатехтаъминот" моддий-техник таъминот мажмуаси" давлат унитар корхоналарининг мол-мулкини қолдиқ қиймати бўйича ўтказиш, шунингдек, ташкил этиладиган "Uzbekistan Helicopters", "Uzbekistan Air technics", "Ўқув-машғулот маркази" ва "Кетринг" масъулияти чекланган жамиятларидаги давлат улушини номинал қиймат бўйича ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

"Uzbekistan Airports" АЖ устав капитали ушбу Фармоннинг 2-иловасида кўрсатилган корхоналарнинг устав капиталидаги номинал қиймат бўйича ўтказиб бериладиган давлат улушлари ҳисобига шакллантирилади;

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва қайта ташкил этиладиган давлат унитар корхоналарининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган мол-мулки қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиб берилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти тузилмасида 7 та штат бирлигидан иборат таркибда авиация тармоғини ислоҳ қилиш масалалари бўйича сектор тузилсин, унинг зиммасига қуйидагиларни ўз ичига олган **Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқишни** мувофиқлаштириш вазифалари юклансин:

маҳаллий ва хорижий ташувчиларнинг миллий ҳаво қатновлари бозорига кириш қоидалари;

аэропортлар инфратузилмасини ва аэронавигацион хизмат кўрсатишни ривожлантириш дастури;

давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур бўлган субсидияланадиган авиайўналишларни танлаш сиёсати;

аэропортлар хизматларини кўрсатишда хусусий сектор иштироки ва рақобат муҳитини таъминлашга доир механизмлар;

аэропортларнинг авиация ва ноавиация хизматлари нархларини тартибга солиш;

фуқаро авиацияси соҳасида истеъмолчилар ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари;

халқаро авиация ташувлари соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларнинг шартлари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари.

6. **"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКни қайта ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширишни мувофиқлаштириш ва амалий кўмаклашиш бўйича ишчи комиссия** (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (А. Н. Арипов):

а) **икки ҳафта муддатда** "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган давлат корхоналарини қайта ташкил этиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин, унда ҳар бир тадбир ўтказиладиган аниқ муддатларни ва масъул шахсларни кўрсатсин;

б) **2019 йил 15 январгача бўлган муддатда** транспорт тармоғини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солишга оид барча комплекс масалалар учун жавоб берадиган Транспорт вазирлигини ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин;

в) **2019 йил 1 майгача бўлган муддатда** "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарнинг:

қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналар устав капиталига (жамғармасига) ўтказиладиган;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган ҳамда қайта ташкил этиладиган ва янги ташкил этиладиган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиладиган мол-мулки рўйхатини тасдиқласин;

г) **2019 йил 1 июнгача бўлган муддатда** қўшимча компанияларнинг, шу жумладан, **кам бюджетли авиакомпаниялар (лоукостерлар) ва тижорат авиацияси хизматларини кўрсатадиган корхоналар** фаолияти учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

7. Қуйидагилар зиммасига:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКни қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, ушбу Фармонда назарда тутилган вазифалар сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига — авиаташувлар бозорини босқичма-босқич эркинлаштириш чора-тадбирларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини бошқаришнинг янги тармоқ сиёсатини ишлаб чиқиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмуродов зиммасига — салоҳиятли инвесторларни излаш ва авиация транспорти соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Кўчқоров зиммасига — давлат-хусусий шериклик шартлари асосида авиация транспорти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК билан биргаликда Ишчи комиссия томонидан ушбу Фармоннинг 6-бандида кўрсатилган рўйхатлар тасдиқланганидан кейин олти ой муддатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, уларнинг устав капиталларини шакллантириш бўйича ишлар охирига етказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасида **Авиация транспортини ислоҳ қилиш ва мазкур соҳага инвестицияларни жалб қилишга доир узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга кўмаклашиш тўғрисида битим** тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 майгача бўлган муддатда Жаҳон банки гуруҳи томонидан ўтказилган ишлар якунлари бўйича **2019 — 2030 йилларда авиация транспорти соҳасини ислоҳ қилиш ва аэропортларни ривожлантиришга хусусий, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича "Йўл харитаси"ни** тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва "Uzbekistan Airports" АЖ Жаҳон банки гуруҳини жалб қилган ҳолда:

2019 йил 1 апрелгача бўлган муддатда **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳалар амалга ошириладиган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳи** аниқланишини;

2020 йил 1 январгача бўлган муддатда танланган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун танловлар ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига (кейинги ўринларда — Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси):

ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозларни амалга ошириш;

аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар беришга оид ваколатларни ўтказиш;

б) Ишчи комиссия томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ "Махсус авиация ишлари авиакомпанияси" ДУК томонидан фойдаланилаётган АН-2 ҳаво кемаларини ва тегишли авиация мулкини қолдиқ қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига ўтказиш;

в) "Ўзаэронавигация" давлат корхонасига Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган аэронавигация хизматлари учун хорижий авиакомпанияларнинг кечиктирилган дебитор қарздорлигини аэронавигация хизматлари кўрсатилгани тасдиқланган вақтдан бошлаб 12 ой давомида ундириш ҳуқуқини бериш.

12. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган штатлари сони 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур Фармонга мувофиқ тузиладиган **хўжалик жамиятлари** (кейинги ўринларда — хўжалик жамиятлари) **ижро этувчи органларининг аъзолари етакчи авиакомпанияларда катта тажрибага ҳамда корпоратив бошқарув, менежмент ва молия соҳасида зарур малакага эга бўлган мутахассислар, шу жумладан, хорижий фуқаролар орасидан танлаб олинади**;

мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари устав капиталларидаги давлат акциялари пакети бўйича акциядорнинг ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалга оширади;

мазкур Фармонга мувофиқ ўтказиладиган ва қабул қилинадиган мол-мулкнинг қиймати солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди;

2020 йилдан бошлаб хўжалик жамиятларининг молиявий ҳисоботи халқаро стандартлар асосида шакллантирилади, етакчи халқаро аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда йиллик мустақил ташқи аудитдан ўтказилиши лозим.

14. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ташкил этмасдан **Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасини** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки:

а) Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ пулли хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан, аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишга рухсатномалар беришдан тушадиган маблағлар суммасининг 100 фоизи;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимлари томонидан солинадиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

"Ўзаэронавигация" ДК соф фойдасининг 5 фоизи;

авиация хавфсизлиги учун ундириладиган йиғимлар суммасининг 3 фоизи;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

б) Жамғарманинг маблағларидан фақат:

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини моддий-техник таъминлаш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш ва малакасини ошириш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йил 1 майгача бўлган муддатда хорижий кредитлар (қарзлар) бўйича "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК дирекциясининг пулли мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг аввал тақдим этилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 июнгача бўлган муддатда аэропортларни ривожлантириш ҳамда ҳаводаги ҳаракатни бошқариш учун аввал жалб қилинган кредитларни "Uzbekistan Airports" ва "Ўзаэронавигация" ДКга қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 майгача бўлган муддатда чегирмаларнинг мослашувчан тизимини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига аэронавигация ва аэропорт хизматларини кўрсатиш учун ягона ставкалар ҳамда йиғимларни тасдиқласин;

2019 йил 1 мартгача бўлган муддатда рентабеллиги паст ички йўналишлар бўйича ташувларни амалга оширувчи авиакомпаниялар учун зарарлар ўрнини қоплашни молиялаштиришнинг барқарор механизмини шакллантиришга оид таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси Адлия вазирлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

сиртқи таълим олган фуқаро авиацияси мутахассисларининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилишга рухсат бериш;

илғор хорижий тажрибани ўрганиш, шу жумладан, ишлаб чиқарувчилар сертификатларини тан олишни ҳисобга олган ҳолда ҳаво кемалари ва авиадвигателларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун олиб кириладиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, деталларни сертификатлаш тартибини соддалаштириш бўйича таклифлар киритсин.

17. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси тизими (IATA Clearing House) ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг бошқа халқаро тизимлари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишга;

б) "Ўзаэронавигация" давлат корхонасига Европа аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилоти (EUROCONTROL) орқали хорижий авиакомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган аэронавигация хизматлари учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга рухсат берилсин.

18. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарга берилган имтиёзлар ва преференциялар мазкур Фармонга мувофиқ тузиладиган хўжалик жамиятларига татбиқ этилсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпаниялари белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган:

самолётлар (ТИФ ТН бўйича коди: 8802, 8803 ва 8805), шу жумладан, олиб кирилган вақтда ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошмаган самолётлар;

жаҳон брендларининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш учунгина фойдаланиладиган сервис инвентари ва алкоголь ичимликлари учун 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловлари тўлашдан озод этилсин (божхона расмийлаштируви учун ундириладиган тўловлар бундан мустасно).

20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

қайта ташкил этиладиган ва тузиладиган корхоналарнинг автотранспорт воситалари;

қайта ташкил этиладиган ва тузиладиган корхоналарнинг кўчмас мулкига оид кадастр ҳужжатлари;

қайта ташкил этиладиган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат томонидан рўйхатга олинишини йиғимлар ва божлар ундирмасдан таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ой муддатда:

ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозлар учун рухсатномалар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ходимларини уч баравар тариф коэффициентини жорий этишни назарда тутувчи моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда:

корпоратив бошқарув ва фуқаро авиацияси соҳасидаги мустақил, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Uzbekistan Airports" АЖ ижро этувчи органлари ташкилий тузилмаларининг, шунингдек, кузатувчилар кенгашлари таркибларининг тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаро авиацияси соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ функцияларни давлат органларига ўтказишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

22. Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**бешинчидан**, маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда ижодкорларимизнинг иштирокини изчил таъминлаш ва уларнинг сара асарларини намойиш этиш, миллий ижодий маҳсулотларни экспорт қилишнинг самарали тизими яратилмагани, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмагани ҳам соҳа ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) 1-иловага;

**2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"** (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ;

**2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари** (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастурлари) 2.1 — 2.14-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун Концепцияни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ва Чора-тадбирлар дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2. **Концепциянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:**

маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, ушбу соҳадаги институционал тизимни ва маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш;

тарихий ва маданий меросимизни сақлаш ҳамда уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш;

миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига сингдириш, этник маданий анъаналарни асраб-авайлаш ва шу асосда халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

аҳоли, жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш;

маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маданиятни янада кенг тадқиқ ва тарғиб этишда инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш;

фуқароларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этиши ва маданий хизматлардан фойдаланишда ижтимоий тенглигини таъминлаш;

маданий соҳада ўзаро самарали халқаро муносабатларни ташкил этиш ва ривожлантириш, миллий маданиятга жаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида қараш, бу борада тенг ҳуқуқлилик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

қабул қилинаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасига оид қарорларнинг ушбу соҳадаги ягона давлат сиёсатига мослигини таъминлаш;

маданият ва санъат муассасаларининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, объектларни сақлаш ҳамда муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган **маданият ва аҳоли дам олиш марказлари** негизида **маданият марказлари ташкил этилсин.**

Қуйидагилар маданият марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, ижодий жамоаларнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассам этган намунали дастурларини шакллантириш;

халқ ижодиёти ва бадиий ҳаваскорлик санъатини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, бадиий ва амалий ижодий жамоалар, ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда ижодий жараённи тизимли равишда бойитиб бориш;

болаларни тўгаракларга жалб этиш, хорижий тилларни ўрганиш ва "нутқ маданияти" бўйича курсларни ташкил этиш, халқ ижодиётининг барча жанр ва йўналишлари, ҳаваскорлик санъати ва номоддий маданий меросни кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни асл ҳолича келажак авлодга етказиш;

(Давоми 3-бетда).

«PROlogue» IV халқаро кинофестивали:

# Ёшлар кино оламини ўзгартира оладими?



*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу кинофестивалда маҳаллий ҳамда хорижий кинематографлар, таниқли актёр ва актрисалар, драматурглар, киношунослар, санъат арбоблари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этмоқда.*

Санъат



Фестиваль доирасида Ёшлар ижод саройида “Ўзбек киносининг тарихи” номли фотокўргазма ташкил қилинди. Экспозициядан ўзбек кинематографияси ривожланиш тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи етмишта фотосурат жой олди.

Ғайрат Мўминов томонидан тайёрланган ушбу кўргазмада ўзбек миллий киночилигининг олтин фондига айланган “Тошкент — нон шаҳри”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Шум бола”, “Келинлар қўзғолони” каби фильмларни суратга олиш жараёнлари, киноасарларнинг қизиқарли лавҳалари муҳрланган суратлар намойишга қўйилган.

“PROlogue” IV халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросими Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида бўлиб ўтди. Унда юртимизда кино санъати ва саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбирда “Scorpion” фильмининг премьераси ўтказилди.

Кинофестиваль 30 ноябрга қадар давом этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов сўзга чиқди.

## Сўз — тадбир иштирокчиларига

**Ника ЖУЛДОШЕВА, продюсер (Қирғизистон):**

— Кинофестивалга “Тошкўмир” номли фильмимизни тақдим этдик. Режиссёр Евгений Чистяков, бош қаҳрамонлар — Меҳрибонлик уйида катта бўлган болалар. Кинодаги воқеалар ҳаётдан олинган. Унда урушнинг инсон тақдирига таъсири очиб берилади. Қолаверса, ушбу асар орқали замондошларимизни болалар тарбиясига янада эътиборлироқ бўлишга даъват этганмиз. Ўйлаймизки, фильм томошабинларга манзур бўлади.

**Дамир САЛИМОВ, режиссёр:**

— Ушбу фестиваль кино ижодкорларининг катта байрамидир. Ёш режиссёрлар, актёрларимизнинг ижодий ишларини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Уларнинг катта фильмларга қўл ураётгани, хорижий мутахассислар билан биргаликда иш олиб бораётгани қувонарли ҳол. Кўпчилик нега яна “Шум бола”га ўхшаган фильмлар суратга олмаяпсиз, деб сўрайди. Аслида, ундан-да яхшироқ, мазмунан бойроқ, гўзалроқ асарлар яратиш учун бугун барча шароит бор. Ушбу фестивалга тақдим этилган фильмлар билан танишиб, ёшларимиз бу имкониятлардан самарали фойдаланишга интилаётганига амин бўлдик.

**Мухлиса АЗИЗОВА, ёш режиссёр:**

— Бугун жуда ҳаяжондаман. Боиси, ўтган йилги кинофестивалда “У” номли қисқа метражли фильмимиз билан қатнашган бўлсак, бу сафар катта масштабда суратга олинган “Scorpion” фильмини тақдим этдик. Албатта, бундай йирик лойиҳани амалга ошириш, кўп кишилик ижодий гуруҳ билан ишлаш куч ва сабр, маҳорат талаб этади. Шунга қарамай, ижодий жамоа бир тилда — “кино тили”да сўзлашиб, бир-биримизни тушунишга, кўмак беришга интилдик. Хориж кино ижодкорлари билан ишлаш мен учун тажриба бўлди, десам адашмайман. Албатта, хулосани томошабин беради.

**Юлдуз ЎРМОНОВА ёзиб олди.**

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

Фармон ва ижро




*Сўнгги йилларда юртимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш, ёшларимизни турли бузғунчи ғоялар, террористик ҳамда экстремистик оқимлар таъсиридан ҳимоялашга қаратилган тадбирлар кўлами янада кенгайди. Адашиб хато йўлга кириб қолган фуқароларимизни кечириш ва уларни тўғри йўлга солиш борасидаги ишлар бунга яққол мисолдир.*

Биргина ўтган йили содир қилган қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган 18 мингдан зиёд фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилиб, соғлом турмушга мослаштирилганди.

Президентимизнинг шу йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантирди.

Хусусан, ана шундай гуруҳлар таъсирига тушиб қолганлар ичида Жиззах вилоятидан 14 нафар фуқаро қайд этилган эди. Ўз қилмишларининг қонунга хилоф эканлигини англаб, қатъий тузалиш йўлига ўтган ушбу фуқаролар бугунги кунда оиласи бағрида тинч ва осойишта умр кечиряпти.

— Россия Федерациясида ишлаб юрган чоғимда бир нечта хорижлик фуқаролар билан танишиб қолдим, — дейди Пахтакор туманидаги “Дилором” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Раҳматулло Субҳонов. — Улар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турардик. Шу тариқа ўзим билмаган ҳолда улар таъсирига тушиб, тақиқланган ташкилотга аъзо бўлдим. Ҳаммасини тушуниб етганимда эса озодликдан маҳрум қилинган, тўғри йўлдан адашган бир маҳбус эдим. Шукрки, халқимиз, Президентимиз мени кечирди. Энди ҳеч қачон “қора йўл”га кирмайман.

Р. Субҳонов давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонидан сўнг озодликка чиқди. Бу унга соғлом ҳаётга қайтиш учун берилган жуда катта имкониятдир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Раҳматуллонинг уй-жойи ҳокимлик ташаббуси билан тўлиқ таъмирлаб берилди. Бугунги кунда у ўз севган касбида меҳнат қилиб, рўзғорини тебратяпти.

Террористик ва экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган вилоятдаги 14 нафар шахс яқинда ҳудуддаги саноат, ишлаб чиқариш, логистика ва кластер масканларига олиб борилиб, у ердаги қизғин иш жараёни билан таништирилди. Оила аъзолари учун юртимизнинг диққатга сазовор қадамжоларига зиёрат уюштирилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Интилиш

## Тадбиркорнинг ғайрати жўш урса...

*Ёш тадбиркор Абдулқуддус Жалолиддинов Наманган шаҳридаги “Textile sanoat” МЧЖни бошқаради. Бу ерда полипропилендан арқон, лента ва сумка аксессуарлари ишлаб чиқарилади. Тадбиркор “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурида белгиланган имтиёздан фойдаланиб, ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтирди.*

— 450 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига Хитойдан тўқув, ғалтак ўров дастгоҳлари олиб келдик, — дейди А. Жалолиддинов. — Натижада 15 нафар кишини иш ўрни билан таъминлашга эришдик. Эндиликда, маҳсулотларимизни қўшни давлатларга экспорт қилмоқдамиз.

Корхонада кунига 400 — 500 килограмм маҳсулот тайёрланяпти. Яқинда миллий автомобилларимиз учун хавфсизлик камари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига!**

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли қарорига асосан,

**«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси**

**балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашни амалга ошириш учун сув ҳавзаси участкаларини ижарага бериш бўйича очиқ танлов ўтказилишини маълум қилади.**

**Танлов ташкилотчиси:** «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК.

**Дирекция манзили:** Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Ғолиблар шаҳарчаси, Арнасой тумани давлат солиқ инспекцияси биноси.

Тел.: 95-504-77-41 (42, 45, 46). Тел./факс: 72-226-04-14.

Электрон почта: aydar.arnasoy@soliq.uz

**Танлов предмети:** Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 1 901,4 гектардан 2 089,7 гектаргача бўлган жами 62 та участкани балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш учун 10 (ўн) йил муддатга, очиқ танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлардан буюртманомани кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир баравари миқдорида тўлов танлов ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилади:

«Ипотека-банк» АТИБ Жиззах вилояти филиали

ҳ/р: 2021 0000 2007 4754 5001; МФО: 00122; СТИР: 304 741 887;

«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК (буюртманомани кўриб чиқиш учун тўлов).

**Танловда иштирок этиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали буюртма хат билан буюртманомани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати билан бирга, қуйидаги ҳужжатларни дирекцияга тақдим этиши лозим:**

1. Танловда иштирок этиш учун талабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили, СТИР) кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза.
2. Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа.
3. Балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ҳамда балиқ воситаларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо) мавжудлиги ҳақида маълумотлар.
4. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

**Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар дирекциядан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олишлари лозим:**

1. Танловда қатнашиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати.
2. Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибдаги буюртманома ва ариза намунаси.
3. Танловга қўйилган сув ҳавзаси участка (контур)лари рақами, номлари, жойлашган ўрни, майдони ва сув ҳавзасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги.
4. «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартномаси лойиҳаси.

Участканинг харита-схемаси билан талабгорлар дирекцияда танишишлари мумкин.

Ҳужжатлар Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Ғолиблар шаҳарчаси, Арнасой тумани давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносида, ҳафтанинг душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

**Талабгорларнинг танлов таклифлари жойлашган конвертлар:**

— 2018 йил 27 декабрь куни соат 10.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 116-уй, Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносида;

— 2018 йил 28 декабрь куни соат 10.00 да Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносида очилади.

***Ҳужжатлар танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган кундан бошлаб 2018 йил 26 декабрь куни соат 18.00 га қадар дирекцияда қабул қилинади.***

10298/514

***Аукцион савдо ташкилотчилари диққатига!***

**«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг**

**«Тошкент трамвайи» унитар корхонаси қуйида қайд этилган ўз балансидаги бино ва иншоотларни аукцион савдоларига чиқариш мақсадида савдо ташкилотчилари ўртасида танлов эълон қилади.**

1. Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчасида жойлашган, умумий майдони 88 $м^2$ бўлган 88-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
   - **Бошланғич баҳоси — 130 553 000 сўм.**
2. Учтепа тумани, Бешқайрағоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 72 $м^2$ бўлган 12-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
   - **Бошланғич баҳоси — 88 466 000 сўм.**
3. Чилонзор тумани, Лутфий кўчасида жойлашган, умумий майдони 75 $м^2$ бўлган 11-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
   - **Бошланғич баҳоси — 91 488 000 сўм.**
4. Яшнобод тумани, Оҳангарон кўчасида жойлашган, умумий майдони 68 $м^2$ бўлган 14-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
   - **Бошланғич баҳоси — 76 306 000 сўм.**

Аукцион савдолари Амир Темур шоҳкўчаси, 6-уйда жойлашган, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти биносида ўтказилади.

Танлов иштирокчилари Тошкент шаҳрида жойлашган бўлишлари шарт.

Мурожаат учун масъул: «Тошкент трамвайи» унитар корхонаси бош муҳандиси Маҳмудов Ғайрат Хапизович, алоқа телефони: 90-806-68-59 .

Танловда қатнашиш истагидаги ташкилотлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида, 18.00 гача хизматлари нархини кўрсатган ҳолда тижорат таклифларини қуйидаги манзилга тақдим қилишлари лозим:

**Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 57-уй. Мурожат учун телефон: 71-272-67-50.**

10284/517

**ТАЛАБА ВА ЁШ ПЕДАГОГЛАР ҲАМДА КОРХОНАЛАРНИНГ ЁШ МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН «ROBOT-UZ—2019» РОБОТОТЕХНИКА ТАНЛОВИ!**

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети 2019 йилнинг 8 февраль куни «ROBOT-UZ — 2019» робототехника соҳасида иқтидорли талабалар ва ёш педагоглар ҳамда корхоналарнинг ёш мутахассислари учун республика танлови ўтказилишини эълон қилади.

Робототехника, инновация ҳамда ахборот технологияларига қизиқувчи, ҳаваскорлик даражасида робототехника ишланмалари яратиш ва соҳани оммалаштириш билан шуғулланувчи талаба ҳамда ёш педагоглар ва корхоналарнинг ёш мутахассислари танлов иштирокчилари бўлиши мумкин.

Мусобақанинг ҳар бир йўналишида учта совринли ўрин мавжуд бўлиб, I, II ҳамда III ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари пул мукофоти ва эсдалик совғалар билан тақдирланади. Барча иштирокчи ҳамда уларнинг раҳбарларига сертификат ва дипломлар берилади.

Танлов шартлари ҳамда бошқа маълумотлар билан университетнинг www.tdtu.uz веб-сайти орқали танишиш мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-«А» уй, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ТошДТУдаги бошланғич ташкилоти, тел.: 71-227-19-47, 91-566-36-16, 99-91-42-97.**

**«Robot-uz — 2019» танлови қуйидаги йўналишларда ўтказилади:**

— Ўз қўллари билан лойиҳаланган роботлар танлови;
— LEGO конструкцияларида йиғилган роботлар пойгаси;
— Лабиринтдан ўтиш;
— Ким чаққон (радиобошқарувга эга роботлар учун);
— Интеллект даражасини намойиш қилиш.

**Ариза бериш тартиби:**

«Robot-uz — 2019» танловида қатнашиш учун номзодлар университетнинг веб-сайти (www.tdtu.uz)да жойлаштирилган аризани тўлдириб, 2019 йилнинг 15 январигача қуйидаги электрон (robot_2019_tdtu@mail.ru) манзилга юбориши лозим.

10284/487

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 04.00 2 3 4 5 6